



## SOCIAL AND ETHICAL VIEWS OF HUSSEIN VOYZ KOSHIFI

**Nuriddin N. Rakhmatov**

*Lecturer, Researcher*

*National University of Uzbekistan*

*Bukhara State Medical Institute*

*Bukhara, Uzbekistan*

*E-mail: [rakhmatov.nuriddin.83@gmail.com](mailto:rakhmatov.nuriddin.83@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** preacher, morality, mores, justice, good morals, faith, behavior, modesty, prayer.

**Received:** 28.05.23

**Accepted:** 30.05.23

**Published:** 01.06.23

**Abstract:** in this article, the great orator and scholar Kamaluddin Hussein Vaiz Koshifi, who lived during the reign of the Timurids, lived in the city of Herat, Khorasan, was a contemporary of the great poet, thinker, sultan of the ghazal estate and statesman Alisher Navoi, paid great attention to moral education, leading to the improvement of man, and wrote about his views.

## ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ – АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Нуриддин Н. Рахматов**

*Ўқитувчи, Таҳдиқотчи*

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Бухоро давлат тиббиёт институти*

*Бухоро, Ўзбекистон*

*E-mail: [rakhmatov.nuriddin.83@gmail.com](mailto:rakhmatov.nuriddin.83@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** воиз, ахлоқ, адаб, адолат, яхши ахлоқ, иймон, хулқ, хаё, ибодат.

**Аннотация:** мазкур мақолада темурийлар ҳукмронлиги даврида яшаган, Хуросоннинг Ҳирот шаҳрида ўз фаолиятини олиб борган, буюк шоир, мутафаккир, ғазал мулкининг сultonни ва давлат арбоби Алишер Навоийга замондош бўлган буюк нотиқ ва олим Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг инсонни камолотига сабаб бўладиган ахлоқий тарбияга қаратган катта эътибори ва қарашлари тўғрисида ёзилган.

## СОЦИАЛЬНО-ЭТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ХУСЕЙНА ВОЙЗА КОШИФИ

**Нуридин Н. Рахматов**

*Преподаватель, исследователь*

*Национальный университет Узбекистана*

*Бухарский государственный медицинский институт*

*Бухара, Узбекистан*

*E-mail: rakhmatov.nuriddin.83@gmail.com*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** проповедник, нравственность, нравы, справедливость, добрые нравы, вера, поведение, скромность, молитва.

**Аннотация:** в данной статье великий оратор и ученый Камалуддин Хусейн Вайз Кошифи, живший во времена правления Тимуридов, жил в городе Герате, Хорасане, был современником великого поэта, мыслителя, султана газельского имения и государственный деятель Алишер Навои, большое внимание уделяя нравственному воспитанию, ведущему к совершенствованию человека, и писал о своих взглядах.

### КИРИШ

Ўзбекистонда замонавий кадрларни тайёрлаш ва улар фаолиятини давр талаблари асосида ташкил этиш мақсадида кенг қўламда ижтимоий ислоҳотлар ўтказилмоқда. Айниқса, таълим тизимини ривожлантириш, таълим сифатини таъминлаш ва тарбияни таълим билан биргаликда олиб боришда мамлакатимизда ўзига хос миллий менталитетимизга мос тажриба шаклланган. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг қабул қилиниши ҳам таълим тизимида таҳсил олаётган ва битираётган кадрларнинг билим олганликлари билан бирга ахлоқий жихатдан тарбияланиб борганлиги уларнинг иш фаолиятида ходим ва хизматчи сифатида меҳнат жамоасида ва фуқаролар билан бўладиган муносабатларда намоён этмоқда. Ана шундай ахлоқий масалаларга эътибор қаратган темурийлар даврининг машҳур мутафаккири Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрнинг иккинчи ярмида Хурсонда Алишер Навоий атрофида тўпланган аллома, шоир ва донишмандлар орасида машҳур ва қомусий талант эгаларидан бири эди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Алишер Навоий Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўз даврининг энг яхши нотиги, иншода саводли ва илми нужум илмидан яхши хабардор ҳамда ҳалол олим инсон эканлигини ўз асарларида келтириб ўтади. Шунингдек, манбаларга кўра, бу улуғ алломанинг нафақат илми, балки одоб-ахлоқи ҳам юксак даражада бўлгани учун ҳатто Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳам унинг ваъз-насиҳатларини тинглаганлар. Бу борада тарихчи Мир Сайд Шариф Роқим ҳам: «Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Али Воиз Кошифий баланд овозда яхши

ваъз қилгани учун олимлар ва фозиллар ўзларининг хос мажлисларида уни таклиф қилишар эди», – деб Кошифийга юқори баҳо беради.

Ахлоқ масалаларини ёритишда Кошифийнинг «Ахлоқи Мұхсиний» асари энг машхур ва муҳим аҳамият қасб этади. Кошифий ушбу асарни Ҳусайн Бойқаронинг ўғли - Абдулмұхсин Мирзога бағишилаган. Кошифий ўз асарларида сиёсат, давлатни бошқариш масалалари бўйича, ҳуқуқ ҳамда энг асосийси инсонни ахлоқий камолоти учун ҳаётий зарур бўлган ахлоқий сифатлар тўғрисида ёзиб ўтади. Ибодат, ихлос ва дуонинг яхши ахлоқнинг бошланиши сифатида келтириб ўтиб, авваламбор инсоннинг имонли бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Китобнинг бошланишида чиройли ҳулқ Аллоҳ таоллонинг олий ҳикмати нурларидан бири эканлиги, пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.)нинг ҳам Аллоҳ томонидан “Албатта, Сиз буюк ҳулқ узрадирсиз!” [1] деб келтирилган ояти келганлиги ҳулқнинг қанчалик даражада инсоннинг энг олий сифатларидан эканлигидан далолат беради. Чунки Расулуллоҳ (а.с.)нинг ўzlари: “Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман”, - деб айтган эканлар. Бу ерда Кошифий ўз асарида ҳам пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.)ни юксак ахлоқий зийнат эгаси ва комил инсон сифатида эътироф этиб ўтади. Шунингдек, чиройли ҳулқ подшоҳлик иззати хазинаси сирларидан биридирки, бу шариф нур билан басийрат кўзи (қалб кўзи) нурланиши ва Аллоҳнинг сифатларини танишга мұяссар бўлишига эришилади, [2] - деб таъкидлайди. Шунингдек, Аллоҳ ҳулки билан ҳулқланиш, унга эга бўлиш шарафли иш эканлиги ва унинг баланд даражада эканлиги, қиёмат тарозисида ҳам тортилади, деб ахлоқли инсоннинг даражасини юқорига кўтаради.

Кошифий одамларнинг қай бирларида чиройли ҳулқ ва ёқимли ҳислатлар намоён бўлса, шу кишилар зебо кўринадилар, дейди. Шунинг учун ҳам авваламбор, подшоҳ ўзининг улуғ зотини чиройли ҳулқ ва ёқимли сифатлар билан безатиши вожиб эканлиги, бунинг учун у 40 та ҳислатга риоя қилиши зарурлиги, улардан баъзилари Ҳақ таоло ўртасида, баъзилари подшоҳ билан ҳалқ орасида бўладиган сифатлар эканлигини баён этади. Бу 40 сифатлар асарнинг 40 бобида баён этилган бўлиб, яхши одамлар ҳулқи ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлари билан келтириб ўтилган.

Авваламбор, Кошифий инсон ахлоқининг бошида фарз амалларидан бири бўлган ибодат ва ихлос каби сифатларга катта эътибор берган. Чунки бу сифатлар имонлилик, Аллоҳдан қўрқиши, пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) ҳулқлари билан зийнатланиш, дунёда саломат ва охиратда нажот топиш чораси эканлигини таъкидлайди.

Шукр тўғрисида ҳам баён этиб, неъмат берувчини чин дилдан таниши, ўзига берилган ҳар бир неъматни ризқ етказувчининг файзи ва ниҳоятсиз лутфи деб билиши, инсон аъзоларининг шукрига ҳам катта эътибор бериб, ушбу аъзоларда хосил бўлган кучу

кувватни аввало неъматни берувчининг ибодатига, кейин ҳар бир аъзонинг маҳсус бир тоатига жалб қилиш кераклигини таъкидлайди.

Инсоннинг ёмон иш қилишдан ўзини чеклаши хислати ҳам бордирки, Кошифий буни ҳаё деб уқтиради. Ҳаё бу одамларга шариф хислат ва мақбул сийратдир. Иймон дараҳтининг битта шохи ҳаё бўлиб, оламнинг барқарор туришининг шартидир, деб айтади. Бу хислат шундайки, агар шарму ҳаё орадан кўтарилса ва одам ҳеч кишидан уялмаса, оламнинг тартиби издан чиқади, одамлар орасида яхши расму одатлар тугайди, кишилар ҳаётига путур етади. Улар бир бирлари учун диёнат сақламайдилар, оқибат кучлилар заифларни йўқ қиласди. Ҳаё шундай кучли сифатки, у одамларнинг фақат ўзлари хоҳлаган ишларини қилишга йўл қўймайди, деб ҳаёнинг инсонни ахлоқини гўзал бўлишига ва одамлар орасидаги муносабатларда зарур хислатлардан бири эканлигини эътироф этади.

Яхши ахлоқнинг яна бир сифатларидан бири, покизалик бўлиб, бу хислаш улуғ одатлардан ҳисобланиши, ундан мурод эса, ҳаром нарсалардан ва шаҳватдан қочиш керак эканлигини таъкидлайди. Кошифий одамда покизаликда икки нисбат мавжуд дейди. Биринчи нисбат фариштасифат. Шунинг учун бу сифат орқали одам илм ва амалга мойил бўлади. Иккинчи нисбати ҳайвоний. Яъни, бу сифат билан одам ейиш, ичиш, ва жинсий алоқа қилмоққа мойил ва оч бўлади. Бунда эса, инсон ақлининг вазифаси одам то имконияти борича ўзидағи фаришталик нисбатини кучайтириши кераклиги ва ҳайвонот нисбатига йўл бермаслиги кераклигини айтиб ўтади.

Шунингдек, Кошифий инсоннинг одобига катта эътибор беради. Унинг айтишича, одоб бу кишининг ёмон сўз ва бефойда ишдан нафсини тийиши, ўзининг ҳамда бошқа кишиларнинг иззатини сақлаб, обрўйини тўқмаслигидир. Ҳақиқий адаб эса, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатига риоя қилиш ҳисобланади.

Кошифий мамлакатларни забт этувчи подшоҳлар ва жаҳонга оро берувчи шаҳаншоҳларнинг адабга риоя қилиши улар қўл остидаги ҳалқларнинг ҳам бунга риоя этиши ва одоб йўлидан чиқмаслигини айтиб ўтади. Адаб подшоҳ ишини тартибга солса, ҳалойиқ майшатини ҳам муҳайё бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, сармоянинг энг яхшиси подшоҳ ва ҳалқ учун бу – адаб эканлигини айтиб, одобли, тарбияли инсоннинг юксак даражада эканлигини эътироф этади.

Кошифий ижтимоий ҳаёт барқарорлигини таъминлайдиган ва юксак ахлоқий фазилат сифатида қадрлайдиган “адолат” тушунчасига катта эътибор қаратади. Адолат барча замонларнинг энг асосий талаби бўлгани каби, Кошифийнинг ахлоқли инсон сифатининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Адолатни маъноси сифатида Кошифий “ҳалқнинг хуқуқий тенглигини таъминлашдир”,-деб изоҳлайди. Унинг айтишича,adolat мамлакатга тинчликни таъминлайди ва зулматни ёриштиради. Куръони каримнинг “Нахл” сураси, 90-

оятини мисол келтириб, (“Албатта, Аллоҳadolatга, эзгу iшларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюрар ҳамда бузукчилик, ёвуз iшлар ва зулмдан қайтарур”) Аллоҳнинг бандалариниadolatга буюрганини эслатади,adolat юзасидан зулм кўрган аҳолининг холидан хабардор бўлиб, уларга шавқат назари билан қарашибаклигини уқтиради. Уларга эҳсонлар қилиш, ғамга ботган кўнгилларига хурсандчилик бериш кераклигини таъкидлайди.

Кошифийadolatning фазилати ва зулмнинг касофати сифатида “одил подшоҳни ҳамма ҳалқ яхши кўриши, гарчи ундан манфаат кўрмасалар ҳам, золимни ҳамма олам ёмон кўриши, гарчи ундан зарап кўрмаган бўлсалар ҳам” – деб, уқтиради. Бунга мисол сифатида ўзи мусулмон бўлмасада, Ноширавони одилни тарихдаadolati учун эсланишини, Ҳажжож золимнинг зулмкорлиги учун тилга олиннишини айтиб ўтади. Жамиятда тўғри сўз ваadolat билан ном чиқариш, унинг умри давомида ва яшаб ўтганидан кейин ҳам одамлар уни фазилат ва сифатларига қараб эслашларини эътироф этиб ўтади. Демак, подшоҳ ва раҳбарларнинг ҳалққа нисбатанadolatli бўлиши, ижтимоий ҳаётда гарчи улардан қанақадир моддий ёрдам олинмаган бўлсада, ҳалқнинг уларнингadolatidan баҳраманд бўлиши жамиятда тинчлик ва осойишталик олиб қелишини айтиб ўтади.

Дарҳақиқат,adolat жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайдиган ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солинишига хизмат қиласидиган ижтимоий категория бўлиб, тенглик, меъёр, ўртачалик каби маъноларни ифода этади. Унда аҳлоқ нормалари билан бирга юридик норма ҳам мужассам бўлиб, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишида iшлатилади.adolatning борлиги сабаб, жамиятда тартиб, одамларнинг ўзаро муносабатларида бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳаётларида тараққиёт бўлади.

Шу билан бирга, донишмадларнинг хушфеълликни ўнга ажратган белгисини санаб ўтади, улардан бири бу, яхши iшлар борасида элга қарши бўлмаслик, ўз нафсини тийиш, бироннинг айини қидирмаслик, ҳар кимдан нолойиқ iш юз берса, уни тузатишига ҳаракат қилиш, гуноҳкор узр айтса, узрини қабул қилиш, муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш, одамлар учун машаққат тортиш, худбинлик қилмаслик, ҳалойиққа очик юзли бўлиш, одамларга яхши сўз айтиш. [3]

Ўзбек ҳалқи менталитетига хос ва исломда қадрланадиган андишани ҳам Кошифий аҳлоқий сифатлар сирасига киритиб, оқибат эҳтиёткорли ва ҳар iш охирини кўзлаш маънасида iшлатади. Шунингдек, Афросиёбнинг андиша борасидаги сўзларини келтириб, андиша кишини душмандан омон сақлаши, бало-қазолардан омон сақлаши ва ғафлатга қолиб кетишдан асршини, кишини чора-тадбирли бўлишга ундашини айтиб ўтади.

Кошифий яхши кишиларнинг яхши сұхбатлари ва ёмоқ кишилардан йироқда бўлиш юксак ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилаётган кишиларга хос хислатлардан бири эканлигини унинг асарлари мисолида хulosа қилишимиз мумкин. Бугунги замонамизга ҳам мос келувчи ушбу фикр ўта фойдали ва хушхулклилик белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Фикримизнинг тасдиғи сифатида Кошифий “яхшилар билан ҳамсуҳбат ва донолар билан ҳамнишин бўлиш саодати абадий кимёси ва доимий давлат раҳнамосидир”-деб, айтади. Унинг айтишиса, форс подшоҳларининг қоидалари ҳакимлар ва фозиллар сұхбатларини доимо ташкил этиш, кенгашлар қилиш, шу асосда адолатли салтанатни куриш бўлган. Шу учун уларнинг салтанати тўрт минг йилга борганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, юононликларнинг ҳам вилоятларга ҳокимлар танлашида илму ҳикматларда фозиллардан кўпроқ бўлиши, ҳукамолар сұхбатлари таъсирида фазилат нурларидан баҳраманд бўлишига катта эътибор берганликларини келтириб ўтади. Унинг айтишича, “яхши ҳамсуҳбат аттор каби бўлиб, гарчи мол-мулқдан беролмаса ҳам, унинг ҳидидан баҳраманд бўласан, ёмон ҳамсуҳбат темирчи каби бўлиб, гарчи ўтида куймасанг ҳам, тутун ва иссиғидан аламнок бўласан” [3]-дея ўз фикрини тўлдиради.

Кошифий яхши инсонлар сұхбатига қизиқиш керак ва ёмон кишилар билан муносабатда бўлишдан парҳез қилиш кераклигини уқтиради. Чунки ҳар бир тоифа сұхбати одамга ўз таъсирини ўтказади. Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш давлат ва саодат натижасини беради ва ёмонлар билан бирга ўтириш хорлик ва пушаймонлик ҳосилини кўрсатади. Унинг айтишича, ёмон кишилар икки гуруҳдир, бирини даф этиш шарт, яъни уларни вилоятдан йўқ этиш керак ва яна бирини ман қилиш лозим, яъни улар билан сұхбатлашишни таъкиқлаш керак. Аммо ўғри ва қароқчиларни даф қилиш қудрат ахли зиммасига қўйилган шарт бўлиб, бундан мусулмонларга фойда бўлади.

## ХУЛОСА

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг инсон ахлоқи, уни такомиллаштиришдаги юқорида келтирилган фикр қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблиги билан аҳамиятлидир. Комил инсонни тарбиялашда унинг хулқ-авторини ва ахлоқини такомиллаштириш давлатимизда қабул қилинган узлуксиз маънавий тарбиянинг қолаверса, миллий ғоянинг энг асосий талабларидан бири бўлиб келмоқда. Шахсга қаратилган таълимни ривожлантирап эканмиз, унинг мустақил фикрлаши, замонавий билим ва фанларни ўзлаштириши билан биргаликда маънавий-ахлоқий комиллигига ҳам эътибор берадётганимиз шарқона менталитетимизга, тарихимиз ва ислом қадриятларига содиқ эканлигимизнинг белгисидир. Жамиятимиз миллий ғоясидаги «Жаҳолатга қарши – маърифат билан» ғояси асосида ҳар қандай жаҳолат кўринишларига илм-маърифат, юксак одоб-ахлоқ билан қарши туришдек катта вазифаларни ҳал этиш бевосита таълим

тизимининг ҳам энг асосий мақсабларидан бирига айланди ҳамда бу борада Шарқнинг улуғ алломаси Ҳусайн Воиз Кошифийни ахлоқий қараашларининг аҳамияти ўзининг мазмуни билан замонамиз социологиясида ҳам юксак баҳога эгадир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тавсири. Қалам сураси 4-ояти. Тошкент 2007, Б. 564, - 617 бет
2. Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи Мухсиний”, “Футувватномаи султоний”, Тошкент – 2011, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 1994 йил. 15-боб, Б.161. 374-бет.
3. Ҳусайн Воиз Кошифий Футувватномаи султоний; Ахлоқий Мухсиний / нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 бет. 185-186-бетлар.
4. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асари; қичқартириб насрый табдил қилувчи И.Махсумов; масъул муҳаррир С.Фаниева.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2019.-Б.168. -320-бет.
5. Социология Маъruzalар матни. Масъул муҳаррир: п.ф.д., профессор В.М. Каримова таҳрирлиги остида, Тошкент – 2000 йил. (Ахлоқ социологияси) 77-86 бетлар.
6. Nuriddin N. Raxmatov Husayn voiz koshifiy asarlarida ustoz - shogird munosabatlari va ijtimoiy foydalari / <https://www.supportscience.uz/index.php/oje/article/view/258/226>
7. Ашуррова М.С. Ҳусайн Воиз Кошифий асарларидаги ахлоқий тарбия масалаларининг ёритилиши. / <https://openconference.us/index.php/innoscience/article/view/74-5/683>
8. Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар: Олий ўкув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма // Тузувчилар: М.Хайруллаев, Х.Аликулов; Академик М.М.Хайруллаев таҳрири остида Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995 йил. 159-165 бетлар, - 240 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 31.12.2019 йилдаги 1059-сонли. (қўрилди: 25.04.2023 йил.) <https://lex.uz/docs/4676839?ON-DATE=03.01.2020&action=compare>